# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 11 январь, № 8 (7510) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ватан ҳимоячилари байрами арафасида, 10 январь куни Қуролли Кучлар Академиясига ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбари бу ерга 2017 йил январь ойида келиб, ҳарбий таълимни такомиллаштириш, ўша пайтдаги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти негизида мутлақо янги ўқув муассасаси ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Кўп ўтмай, Президентнинг тегишли қарори қабул қилиниб, бу ерда хорижнинг илғор технологиялари ва замонавий ўқув воситаларини мужассам этган Қуролли Кучлар Академияси ташкил этилди. 2018 йил январда Олий Бош Қўмондон мазкур янгиланган таълим маскани фаолияти билан танишган эди.

Бугун Академия ҳам шароит, ҳам мазмун жиҳатидан тубдан ўзгарган. Аудиториялар компьютер техникаси, ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Замонавий ситуацион марказ, тренажёрлар ташкил этилган.

Ўтган йили бу ерда модернизация ишлари давом эттирилиб, янги объектлар қурилди. Курсантларнинг ўқиши ва жанговар машғулотлар ўташи, спорт билан шуғулланиши учун қўшимча имкониятлар яратилди.

Академия қошида мамлакатимизнинг барча ҳарбий таълим йўналишидаги олий ва ўрта махсус билим юртларида ўқув жараёни ва илмий ишларни мувофиқлаштирадиган Илмий-методик кенгаш тузилди.

Президентимиз ўқув муассасаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар натижаси ҳамда фойдаланишга топширилган замонавий таълим инфратузилмаси объектлари билан танишди.

Ўқув биносида ҳарбий техниканинг асосий намуналари бўйича динамик компьютер тренажёрлар имкониятлари намойиш қилинди, академия курсантларининг ихтирочилик ва инновацион ишланмалари ҳақида маълумот берилди.

— Барча соҳалар қатори ҳарбий таълим бўйича ҳам доимо замон билан бирга қадам ташлашимиз, керак бўлса, ундан олдинда юришимиз зарур. Ҳарбийларимиз, курсант ва тингловчилар энг илғор, инновацион билим ва кўникмаларни эгаллаши, соҳа бўйича дунёдаги янгиликлардан хабардор бўлиши, доим изланиши лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз курсантларни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан табриклади. Ўқув хоналари, ётоқхона ва сузиш ҳавзасидаги шароитларни кўздан кечирди.

Шу куннинг ўзида Қуролли Кучлар Академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг миллий армиямизни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, Қуролли Кучлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоконференцалоқа орқали эса ҳудудлар раҳбарлари, ҳарбий округ ва ҳарбий қисмлар қўмондонлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берилди.

Йиғилишда Қуролли Кучларни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар сарҳисоб қилиниб, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг миллий армиямизни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш борасидаги фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Президентимиз 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакат ҳаётининг бошқа соҳалари билан бир қаторда ҳарбий қурилиш йўналишида кенг миқёсли модернизация ишлари амалга оширилгани, бу билан қисқа даврда аниқ натижаларга ҳамда Қуролли Кучларимиз қиёфаси бўйича стратегик ёндашувни шакллантиришга эришилганини таъкидлади.

Ҳозирги ахборот маконидаги қарама-қаршилик, одамлар, айниқса, ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш кучайган шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Аҳолини, аввало, ёшларни шундай руҳда тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига жалб қилиш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

— Армия моддий жиҳатдан энг замонавий ва зарур воситалар билан таъминланган бўлиши мумкин, лекин ахлоқий жиҳатдан заифлиги, жанговар руҳи, Ватанга содиқлик ва муҳаббат, унинг тақдири учун масъулият ҳисси йўқлиги ёки лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бундан ташқари, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг бошқа муҳим йўналишлари кўриб чиқилди.

Йиғилиш якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасида келгуси ишларни ташкиллаштириш бўйича вазифалар белгиланди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ: 2015 – 2019 ЙИЛЛАРДАГИ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР




### ДУНЁ НИГОҲИ

## «Chatham House»: «ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА»

*"Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда сўнгги йилларда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, валютани эркинлаштириш, мажбурий меҳнатга чек қўйиш ва виза тартибини енгиллаштириш сингари чора-тадбирлар хорижий сармоядорлар ҳамда аҳолида катта умид уйғотди".*

Буюк Британиянинг дунёга машҳур **"Chatham House" таҳлилий маркази ("think tank")** расмий веб-сайтида чоп этилган мақола шундай жумла билан бошланган.

CHATHAM HOUSE The Royal Institute of International Affairs

Инглиз таҳлилчиларининг ёзишича, Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятига киришган вақтда республикада иқтисодий ҳолат оғир эди. Ўзбекистон етакчиси прагматик иқтисодчи сифатида минтақада қўшнилар билан очиқлик сиёсатини бошлади ва ўзаро ҳамкорликка киришди. Савдо ва хорижий инвестициялар учун тўсиқларни олиб ташлади. Бошланган жадал ислоҳотлар, масалан, пул-кредит муносабатлари ва иқтисодий фаолиятни либераллаштириш бўйича ташаббуслар кескин ижобий ўзгаришларга олиб келди. Капитал, меҳнат ва товарлар эркин ҳаракат қилиши учун имконият пайдо бўлиб, иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишига замин яратди.

"Chatham House" мутахассислари қайд этганидек, бугунги кунда Ўзбекистон ривожланишнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Жумладан, монополияга барҳам берилиши хусусийлаштириш жараёнининг бошланиши тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг сезиларли ўсишига хизмат қилаётир.

Юртимизда сиёсий соҳада кечаётган жараёнларга ҳам Буюк Британия "ақл маркази" алоҳида тўхталган. Айниқса, ҳукуматда ишлаш учун кўплаб ёш ислоҳотчилар, шу жумладан, хориждаги ватандошлар жалб қилингани алоҳида келтириб ўтилади. Янги раҳбарият оммавий ахборот воситалари муҳитини бутунлай ўзгартиргани таъкидланиб, шу билан бирга, мамлакат бўйича холис таҳлилий маълумотлар тақчиллиги муаммоси ҳам тилга олинади. "Қонун устуворлигини ошириш бўйича қадамлар қўйилди, аммо олдинда қилиниши керак бўлган ишларнинг кўплиги барчага маълум", дейилади "Chatham House"да.

Мамлакатдаги сиёсий жараёнларда 2019 йилнинг 22 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар муҳим роль ўйнади. Инглиз таҳлилчиларининг фикрича, янги Сайлов кодекси асосида кечган сайловлар белгиланган марраларга эришиш йўли ҳамда мустақил фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

## МЎЙНОҚ МЎЪЖИЗАСИ

### Оролнинг қуриган қисмига қайтган қайноқ ҳаёт нафасида намоён бўлмоқда

*Бундан бир йил муқаддам Оролбўйида катта бир эзгу ишга қўл урилганди. Гап шундаки, бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини обод қилиш, бу ерда яшаётган аҳоли ҳаёт тарзини ўзгартириш, умуман, ҳудудни ривожлантириш бўйича бошланган ишлар Орол денгизининг қуриган қисмида ўрмонзорлар яратишдек эзгу юмушга уланиб кетди.*

**Эзгулик**

Қувонарлиси, бунга бутун мамлакатимиз халқи бефарқ бўлмади. Республикамизнинг турли ҳудудларидан техникалар карвони чўлга мослашган ўсимликлар уруғларини олиб йўлга чиқди. Экологлар, ўрмончилар, тадбиркору фермерлар, умуман, савобталаб киши борки, бунга ўз ҳиссасини қўшишга ошиқди. Бундан, айниқса, Оролбўйи минтақаси аҳли хурсанд бўлгани аниқ. Нега деганда, Юртбошимизнинг биргина шу ташаббуси уларни йиллар давомида қийнаб келаётган кўплаб муаммолар ечимига йўл очиб берган эди-да.

Ўтган вақт мобайнида Қорақалпоғистон Республикасидаги ишлар кенг қулоч ёйди. Одамларни иш билан таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Айниқса, Орол денгизи атрофида ҳаёт қайнагандан қайнади. Бу шижоат, бу жўшқинлик, таъбир жоиз бўлса, бир зум ҳам тинмади. Аксинча, янада авж олди.

➡ 2

## АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯХШИЛАНМОҚДА, ОДДИЙ ОДАМЛАР ДАВЛАТДАН, ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛЯПТИ

*Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг охирги иш кунида парламент палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари билан учрашиб, йил якунларини сарҳисоб қилди ва 2020 йилдаги муҳим вазифаларни белгилаб берди.*

**Муносабат**

Қайд этилганидек, кенг кўламли ишлар натижаси ҳар бир жабҳада сезиляпти. Илгари иложсиздек туюлган масалаларга ечим топилмоқда. Энг муҳими, халқнинг турмуш шароитлари яхшиланмоқда, оддий одамлар давлатдан, ҳаётдан рози бўляпти.

Хўш, муваффақиятлар давомли бўлиши учун соҳа ва тармоқларда қандай ишлар олиб боріляпти?

Вазирлик ва идоралар раҳбарларининг айримларидан ушбу саволга жавоб олдик.

➡ 2

# ЯНГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ ИЖРОСИДА ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг ижросини самарали ташкил этишда парламент ва маҳаллий Кенгашларнинг олдида турган муҳим вазифаларга бағишланган семинарлар ўтказилмоқда.*

**Парламент ҳаёти**

Кеча бўлиб ўтган навбатдаги шундай тадбирда мазкур ҳужжат солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни ошириш, соғлом рақобатни шакллантиришга хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 июндаги Фармони билан Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилиниши билан бу борада ташланган дадил қадамлардан эди. Демак, бундан кўринадики, янги Солиқ кодекси муаллифи айнан Президентимиздир. Зеро, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси мазкур концепция асосида ишлаб чиқилди.

Кодексда мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритаётганларнинг қонуний ишлаши учун шарт-шароит яратишга хизмат қиладиган нормалар ўз аксини топган. Бундан мақсад фуқароларнинг солиқдан қочиш эмас, балки уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлишига эришишдан иборатдир.

Ушбу Солиқ кодексининг қабул қилиниши билан жорий йилнинг 1 январидан бошлаб солиқ тизимида 120 дан ортиқ янги қоидалар амалиётга киритилди. Жумладан, солиқ турлари 13 тадан 9 тагача камайтирилди, солиқ органлари томонидан солиқ текширувлари фақат кодексда назарда тутилган ва уларни ўтказиш тартибини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин ўтказилиши назарда тутилган. Ўз навбатида, солиқ органларининг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқларни вақтида қайтариш бўйича жавобгарлиги кучайтирилди.

Яна бир муҳим жиҳат, давлат улуши 50 фоиз ва ундан зиёд бўлган корхоналар томонидан тўланаётган ягона ижтимоий тўлов 25 фоиздан 12 фоизга туширилди, қўшилган қиймат солиғини қайтариш тизими тубдан ўзгартирилди. Яъни бугунги камерал текширув ўтказилганидан кейин ҚҚС бўйича "манфий" қолдиқ суммасини қайтариш ҳуқуқи тақдим этилди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида маҳаллий ҳокимликларнинг ҳам солиқ борасидаги ваколатлари ва масъулияти оширилди.

Бу нормаларнинг самарали ишлашини таъминлаш парламент ҳамда маҳаллий Кенгашлар олдига бир қатор муҳим вазифаларни қўяди. Тадбирда шу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Қонунчилик палатаси томонидан мазкур ҳужжатдаги янги нормалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, кафолатланган бюджетни таъминлаш парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, солиқ ва божхона органларининг бу борадаги фаолияти бўйича парламент назорати шаклларидан кенг фойдаланган ҳолда, эшитув ва сўровлар ташкил этиш шулар жумласидандир.

Ана шу вазифаларнинг изчил ижроси, пировардида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳоли реал даромадларини ошириш, солиқ маъмуриятчилигини янада яхшилашга хизмат қилиши тадбир иштирокчилари томонидан эътироф этилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МАҲАЛЛАГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ УСТИДА ИШ ОЛИБ БОРИЛЯПТИ

*Халқимиз ҳаёти, турмуш тарзи кўп жиҳатдан маҳалла билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, бугунги давр маҳалла фуқаролар йиғинининг янада самарали ишлашини тақозо этади. Бунинг учун эса "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилишга эҳтиёж тобора ошиб бормоқда.*

**Депутат фикри**

Айни пайтда парламент қуйи палатасида киритилган янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан ишчи гуруҳи тузилиб, уни такомиллаштириш бўйича қизғин иш олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 2 апрелдаги "Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларнинг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқаролар йиғинларининг ишини ташкил этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича "маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла" принципи асосида ҳамкорлик тизимини жорий қилиш кўзда тутилади.

Шунингдек, ушбу ҳужжат 2013 йилда қабул қилинган амалдаги қонуннинг нормалари тўлиқ қамраб олинган фуқаролар йиғинлари фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, унда тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун нормаларининг самарали механизмларини жорий этишга қаратилган.

Лойиҳада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида учрайдиган тушунчаларга изоҳ берилиб, уларнинг асосий йўналишлари белгиланган. Бундан ташқари, улар ишини тартибга солувчи нормалар тизимлаштирилиб, давлат органлари билан ҳамкорлик ўрнатишдаги ваколатлари аниқ ифодаланмоқда.

Энг муҳими, мазкур ҳужжат маҳаллаларнинг жамиятдаги мавқеи ва нуфузини янада ошириш, аҳолининг кундалик муаммоларини қонунчилик доирасида ҳал этишдаги иштирокини кенгайтириш, фуқаролар йиғинлари раисларининг ижтимоий ҳимояси, улар фаолиятининг кафолатларини белгилашга хизмат қилади. Унда фуқаролар йиғинлари ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазаси, улар фаолиятининг кафолатлари ҳамда меҳнат муносабатлари тартибга солиниб, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишонини жорий этиш мазкур ҳужжатда кўзда тутилмоқда. Қонун ҳужжатларини қўллашда "кўчабоши", "уйбоши", "фуқароларнинг вакили" каби халқона тушунчаларга изоҳ берилиб, қонунга норма сифатида киритилиши уларнинг ўз вазифасига масъулият билан ёндашиши, эл-улус олдида ҳисобдорлигини оширишга эришишда муҳим ўрин тутади.

Ушбу ҳужжат қабул қилиниши натижасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритилиши назарда тутилган.

**Турсунпўлат НОРБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯХШИЛАНМОҚДА, ОДДИЙ ОДАМЛАР ДАВЛАТДАН, ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛЯПТИ

1

## Пул-кредит соҳасидаги янгича ёндашувлар



**Мамаризо НУРМУРАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси:**

— 2019 йил қайсидир маънода пул-кредит соҳасида бошлаган ислоҳотларимизнинг дастлабки босқичини якунига етказиш ва кейинги босқичдаги ишларимиз учун замин яратишга қаратилган йил бўлди. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз таъкидлаганидек, 2020 йилд олдимизда тизимда жиддий ўзгаришларни амалга ошириш билан боғлиқ осон бўлмаган вазифалар турибди. Хусусан, жорий йилдан бошлаб пул-кредит соҳасини бошқаришда инфляцион таргетлашга ўтишга амалий жиҳатдан пойдевор яратишни асосий мақсадларимиздан бири сифатида белгилаб қўйганмиз.

Ушбу йўналишда янги монетар инструментларни жорий қилиш, ички пул ва валюта бозорларини ривожлантириш орқали пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, Марказий банкнинг кенг жамоатчилик билан мулоқот каналини ҳамда прогноз ва таҳлилий базасини кучайтириш борасида аниқ мақсадли ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз.

Ҳукуматимиз билан биргаликда макроиқтисодий сиёсат юритилишини таъминлаш орқали инфляция даражасини 2020 йилда 12-13,5 фоизлик прогноз даражасида сақлаш ҳамда уни 2023 йилда 5 фоизгача пасайтириш бўйича барча зарур чораларни кўриб борамиз.

Кейинги яна муҳим масалалардан бири банкларнинг молиявий мустаҳкамлигини яхшилаш ва уларни бозор тамойилларига мос трансформация жараёнларига тайёрлашдир. Шу маънода, тайёрланаётган банк тизимини ривожлантириш стратегиясини ҳукумат билан биргаликда амалга оширишга киришиш 2020 йилдаги асосий вазифаларимиз сирасига киради. Жумладан, банклардаги корпоратив бошқарув тизимини тубдан яхшилаш, тизимнинг ҳар хил турдаги молиявий ва иқтисодий хатарларга бардошлигини ошириш, банклардаги давлат улушини тизимга энг илғор халқаро тажрибани олиб кирадиган ва рақобат муҳити яхшиланиши учун хизмат қиладиган инвесторларга сотиш, банк хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда уларнинг оммабоплигини ошириш, ушбу жараёнда замонавий ахборот технологияларидан янада кенгроқ фойдаланиш бўйича амалий ишларни фаоллаштиришимиз зарур.

2020 йилда Марказий банк фаолиятининг ажралмас қисми — тўлов тизимлари ишлашининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам мўлжалланган. Бу йўлда миллий чакана тўлов тизимларини янада ривожлантириб, аҳолига банк карталари орқали кўрсатилаётган хизматлар турини кенгайтириш нафақат аҳолига, балки хўжалик юритувчи субъектларга ҳам тўловларни туну кун, 24/7 режимида ўтказиш имкониятларини яратиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудида терминаллар ва банкоматлар тармоғини кенгайтириш орқали қулай тўлов муҳитини яратиш мақсад қилинган.

Инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлари даражаси пасайиб бориши ва банк тизимининг барқарорлиги таъминланиши мамлакатимиздаги макроиқтисодий барқарорликнинг мустаҳкамланишида ва шу орқали навбатдаги босқичдаги ислоҳотларнинг самарали кечишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## Меҳнат муносабатларида Ўзбекистон имижи ошмоқда

**Нозим ҲУСАНОВ, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири:**



— Президентимиз йил якунлари сарҳисобига бағишланган учрашувда алоҳида таъкидлаганидек, мамлакатимизда барча соҳада ислоҳотлар дадил амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва юртдошларимизнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг устувор вазифалардан бирига айланди. Пировардида мажбурий меҳнатга қарши кураш ва касбий таълимни ривожлантириш бўйича ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси халқаро доираларда алоҳида эътироф этилиб, юртимиз имижи сезиларли даражада ошгани, айниқса, қувонарлидир.

Аҳолига муносиб иш жойи ва шароит яратиш доимий эътибордаги масаладир. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 5 мартдаги тегишли қарори билан аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича давлат буюртмасининг мақсадли параметрлари тасдиқланган бўлиб, ўтган йилнинг ўзида 370 мингта иш ўрни ташкил этилиши белгиланган эди. Амалда эса прогнозга нисбатан 5 фоиз кўп, аниқроғи, 388,5 мингта иш ўрни яратилди.

Айтиш жоизки, бу жараёнда, айниқса, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида 14,2 минг нафар йигит-қиз "Уста — шогирд" усулида ҳунармандчиликнинг талаб юқори бўлган турлари бўйича ўқитилди ва шу усулда касб-кор ўрганган 9,8 минг нафар ёш доимий иш жойига эга бўлди. Бундан ташқари, меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган 58,6 минг нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож ёш банд қилиб (захиралаб) қўйилган иш ўринларига жойлаштирилди.

2019 йилда меҳнат органлари томонидан аҳоли учун кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайтирилиб, сифати тубдан оширилди. Жумладан, илғор хорижий тажрибалар асосида 182 та туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида "Ягона ойна" тамойили асосида аҳолига эркин иш топишда индивидуал хизматлар кўрсатиш тизими жорий қилинди. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали имтиёзли микрокредитлар, шунингдек, жамғарма томонидан субсидия ва грантлар ажратиш йўлга қўйилди, ўзини ўзи банд қилган аҳолига вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари, уларнинг эгаларига меҳнат стажини ҳисобга олишни назарда тутадиган тартиб амалиётга татбиқ қилинди.

Соҳадаги янгиликлардан яна бири Яшнобод туманида "Ишга марҳамат" мономаркази фойдаланишга топширилганидир. Банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи мазкур марказда ўтган йилнинг декабрь ойида 10 та ишчи касблар бўйича Ўзбекистон биринчи очиқ чемпионати ўтказилди. Буни яқиндан кузатган "World Skills International" халқаро ассоциацияси президенти Йос де Гой бошчилигидаги делегация, шунингдек, халқаро экспертлар юртимиз тажрибасини юқори баҳолади.

Кейинги пайтда меҳнат муносабатлари соҳасида хорижнинг илғор тажрибалари, АКТ ютуқлари ҳам кенг қўлланилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий қилингани бунга бир мисолдир. Ҳозирги кунда "Ягона миллий меҳнат тизими" ИДАК маълумотлар базасига 11,5 мингдан ортиқ иш берувчи ташкилотлар томонидан штат жадвалига мувофиқ 170,5 мингта иш ўрни, жумладан, 28,8 минг бўш иш ўрни, қолаверса, 141,6 мингдан ортиқ ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари тўғрисида маълумотлар киритилган.

2020 йилги режаларимиз, олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз катта. Уларнинг изчил ижроси юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, ҳаётга татбиқ қилинаётган дастур ва лойиҳалар жорий йилда ҳам юқори натижалар қўлга киритилишига замин яратади, албатта.

**«Халқ сўзи».**

# МЎЙНОҚ МЎЪЖИЗАСИ

## Оролнинг қуриган қисмига қайтган қайноқ ҳаёт нафасида намоён бўлмоқда

1

— Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига қилган ташрифларидан бирида туман истиқболи ҳақида тўхталиб, "Маданият Мўйноқдан бошланади", деганди ва бугун ушбу сўзлар, эзгу ният амалда ўз ифодасини топмоқда,— дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қаҳрамон Сариев. — Чиндан ҳам, охирги бир йилда Мўйноқда катта ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, саноатни, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида шприц ишлаб чиқариш учун 3,5 миллион долларлик инвестиция киритилди. 2019 йилда маҳаллий бюджет ҳисобига 476 миллиард сўм инвестиция жалб қилган ҳолда, 93 та ижтимоий соҳа объектида янги қурилишлар, реконструкция ишлари олиб борилди. Оролбўйидаги 45 та қишлоқда "Обод қишлоқ" дастури амалга оширилди.

Кегейли туманида фойдаланишга топширилган завод туфайли эса йил давомида 12 минг тонна қамишни қайта ишлаб, целлюлоза тайёрлаш имкониятига эга бўлдик.

Дарҳақиқат, денгиз чекиняпти, лекин инсон чекинмайди. Бинобарин, бу меҳнатлар замирида Орол дарди ўз дардига айланган халқ матонати мужассам. Лекин бу ҳаммаси эмас. Ҳали денгизнинг қум ва тузларини тўсиш учун қилиниши керак бўлган ишлар кўп.

— Худди шу мақсадда Мўйноқда яйловзорларни кўпайтириш зарур, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик Зиновий Новицкий. — Зеро, илгари бундай имконият йўқ эди. Чунки уруғ етишмасди. Ўтган мавсумда уруғ йиғиштириш ишлари қизғин олиб борилди. Ҳозирги кунгача 80 гектар яйлов яратдик. Келажакда бундай майдонлар сонини минг гектарга кўпайтирмоқчимиз.

Шунингдек, мевали ва манзарали бута ҳамда дарахтлардан "яшил воҳа" ташкил этилади. Бу йилги ушбу лойиҳа 16 турдаги ўсимликларни ўз ичига олади. Ўтган йили экиш ишларида инновацион усуллардан фойдаланилди. Чунки маҳаллий тупроқ таркибида туз миқдори юқори. Шуларни ҳисобга олиб, тегишли илмий тавсияномалар ишлаб чиқилмоқда.

Айтиб ўтганимиздек, Оролбўйидаги ишлар янада кенг қулоч ёймоқда. Жорий йилда саксовул экиш учун бутун мамлакат бўйлаб мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникалари, 2,5 мингдан зиёд ишчилар Оролнинг қуриган қисмига етиб келгани бунинг яққол тасдиғидир. Қолаверса, энди янада самарадор техникалардан унумли фойдаланилади.

Халқаро пресс-клубнинг кеча Оролбўйида бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида шулар хусусида фикр юритилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД ХАЛҚИМИЗНИ ЯНАДА МАЪРИФАТЛИ, БАХТЛИ-САОДАТЛИ ҚЎРИШДИР

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев 6 январь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳазратларини қабул қилиб, 70 йиллик таваллуд айёми билан самимий табриклади.*

*Давлатимиз раҳбари муфтий ҳазратларига мамлакатимизда ислом маданияти ва илм-фанини ривожлантириш, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳияти ва эзгу ғояларини, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг бебаҳо илмий меросини тадқиқ этиш ва халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, бағрикенглик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолиятининг юксак эътирофи рамзи сифатида "Эл-юрт ҳурмати" орденини топширди.*



*Куни кеча Саудия Арабистонида ўтказилган Ислом олами уюшмасининг 44-қурултойида иштирок этиб, юртимизга қайтган муфтий Усмонхон Алимов ҳазратларидан кейинги кунларда ҳаётларида юз берган қувончли воқеалар ҳаяжони, Президентимизнинг диний уламоларга кўрсатаётган алоҳида эътибори, умуман, юртимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида эксклюзив интервью олдик.*

**Эксклюзив интервью**

**— Аввало, яқинда давлатимиз раҳбари Фармонига мувофиқ, давлатимизнинг нуфузли мукофоти — "Эл-юрт ҳурмати" ордени ила тақдирланганингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, келгуси ишларингизда муваффақият тилаймиз.**

— Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Эътибор учун ташаккур. Президентимиз томонларидан берилган ушбу юксак орден менинг шахсим тимсолида бутун диний соҳа вакилларига берилган мукофот, деб ўйлайман. Чунки юртимизда диний-маърифий соҳада эришаётган ютуқларимиз — бутун жамоамиз меҳнатлари маҳсулидир. Юртбошимиз олиб бораётган ишларимизни эътироф этганларидан беҳад миннатдормиз.

Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асрашда яқин ёрдамчи сифатида диний соҳа вакилларига алоҳида эътибор қаратдилар. Шу билан бирга, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларда имом-хатиблар, уламоларнинг ўз таклиф ва маслаҳатлари билан фаол иштирок этишларига шарт-шароитлар яратилди. Биз бу эътиборни қадрлаб, бор куч ва салоҳиятимизни халқимизнинг маърифатини, маънавиятини юксалтириш, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш йўлида сафарбар этишга доимо тайёрмиз.

**— Кейинги йилларда Президентимиз томонидан барча соҳада амалга оширилаётган ўзгаришлар шиддатли тус олди. Шу маънода, мамлакатимизда фуқароларнинг диний эркинлигини таъминлаш, бағрикенглик, маърифий ислом ғояларини тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида нималар дея оласиз?**

— Президентимиз томонларидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Ўзбекистоннинг янги қиёфасини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, бугун ижобий ўзгаришларни юртимиздаги ҳар бир инсон ўз тақдири мисолида яққол ҳис қиляпти.

Диний-маърифий жабҳада ҳам аҳамияти беқиёс ишлар амалга оширилаётганини ҳаммамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Янгидан барпо этилаётган масжидлар, улуғ аждодларимиз номидаги мажмуалар, очилаётган диний таълим муассасалари, соҳада халқаро ҳамкорлик ривожланиб, чет эллик таниқли уламоларнинг диёримизга ташриф буюраётгани, нуфузли ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилаётгани юртдошларимизга чексиз қувонч, ғурур-ифтихор бағишламоқда.

Амалга оширилаётган ишларнинг мазмуни, улардан кўзланган муддаолар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Масалан, Президентимиз ташаббуси билан Бухородаги Мир Араб мадрасасига олий мақом берилишида катта маъно бор. Зеро, ушбу таълим даргоҳи беш юз йил аввал ана шундай юксак мақомда ташкил этилганди. Йиллар давомида бу ерда юзлаб олиму уламолар камолга етган. Бироқ ўтган асрдаги эътиборсизлик оқибатида муассаса ўз мавқеини йўқотганди. Давлатимиз раҳбари томонидан мадрасага олий мақом берилиши яна бу ердан алломалар, мутафаккирлар етишиб чиқишига умид уйғотади. Шахсан мен ушбу мадрасанинг Мисрдаги Ал-Азҳар университети билан бир хил мақомга кўтарилишига ишонаман. Бундан ташқари, юртимизда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби фаолияти йўлга қўйилдики, бу эзгу ишларидан мақсад дунё тамаддуни бешикларидан бири бўлган Ўзбекистоннинг тарихий юксак мақомини қайта тиклаш, Ватанимизни илм-фан марказларидан бирига айлантириш, шу орқали диёримизда навбатдаги ренессансни — уйғониш даврини юзага келтириш, халқимизни янада маърифатли, бахтли-саодатли кўришдир.

Мамлакатимизда буюк аждодларимиз руҳини шод қилиб, уларнинг қадамжолари обод этилаётгани, илмий-маънавий меросини кенг миқёсда ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этишга муҳим шароитлар яратилаётгани ҳаётимизни миллий қадриятлар асосига қуриш, юксак маънавиятли авлодни камолга етказиш, энг олий неъмат — тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, дунёда тобора долзарб масалага айланиб бораётган терроризм, экстремизм, ақидапарастлик каби иллатларга қарши маърифат билан курашишга хизмат қилмоқда.

**— Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада олиб борилаётган ишларга жаҳон жамоатчилиги ҳамда халқаро экспертлар қандай баҳо бермоқда?**

— Дунё аҳли бугун инсоният тараққиётида кескин бурилишлар рўй бераётган тарихий босқичда яшамоқда. Инсон онгу қалби учун кураш тобора шиддатли тус оляпти. Энг афсусланарлиси, кўплаб инсонлар умрига зомин бўлаётган терроризм, ақидапарастликни айрим ғаразли кучлар томонидан тинчлик ва инсонпарварлик дини бўлган исломга боғлаш орқали дунё мусулмонларига нисбатан салбий кайфиятни шакллантириш, исломофобияни кенг ёйишга ҳаракатлар кузатилмоқда. Бу эса жаҳоннинг турли минтақаларида этно-конфессионал зиддиятлар вужудга келиши, янгидан-янги низо ўчоқлари пайдо бўлишига сабаб бўлаётир.

Ана шундай мураккаб бир даврда Президентимиз ҳатто жаҳоннинг энг юксак минбарларидан туриб, халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини жаҳолат ва муросасизлик ташкил этишини, шу боис одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканини таъкидлаб келяптилар. Мазкур ёндашувни халқаро экспертлар, дунё жамоатчилиги юксак баҳолаяпти. Жумладан, Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида "Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади", деган сўзлари жаҳон бўйлаб кенг акс садо берди. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи қўллаб-қувватланди ва қабул қилинди. Бу терроризм, экстремизм, зўравонлик, муросасизлик каби бугунги куннинг ўткир муаммоларига илм-маърифат, ўзгаларга адолатли ва бағрикенг ёндашув ҳамда тинчликпарвар сиёсат энг тўғри ечим эканини дунё жамоатчилиги тан олгани ва англаётгани ифодасидир.

Ўтган йиллар давомида Америка Қўшма Штатлари, Франция, Испания, Германия, Озарбайжон, Чеченистон, Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони, Россия Федерацияси, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия ва қўшни давлатларда хизмат сафарларида бўлганимизда мутасаддилар ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистонда диний эркинликлар, инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ютуқлар алоҳида эътироф этилиб, юқори баҳоланди.

Мамлакатимизга ташриф буюраётган нуфузли меҳмонлар ҳам олиб бораётган ишларимизни кўриб, ўз мамнунликларини билдиряпти. Жумладан, Покистон давлати муфтийси Муҳаммад Тақий Усмоний ҳафизаҳуллоҳ Ўзбекистон заминига сафарлари чоғида "Мен ушбу заминни зиёрат қилиш тавсия этилган уч муқаддас жойдан — Масжиди ҳарам, Масжиди Набавий ва Ақсо масжидидан кейинги ўринга қўяман. Бу юртни кўриш орзу эди. Йигирма етти йил аввал Ўзбекистонга келган эдим. Ўшанда фақат Самарқандни зиёрат қилишга имкон бўлган. Бу гал Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент ерларидаги табаррук жойларни зиёрат қилишга Ҳақ таоло муваффақ қилди. Аввалги ташрифим билан бу сафарим орасида жуда катта фарқ бор. Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон моддий ва маънавий жабҳада улкан юксалишларга эришибди", деганлари катта эътирофдир.

Шунингдек, Миср Араб Республикаси Бош имоми, "Ал-Азҳар" диний мажмуаси раҳбари, шайх Аҳмад Муҳаммад Тоййиб ҳазратлари ҳам юртимиздаги ўзгаришлар ҳақида шундай илиқ сўзларни билдирган эди. Бундан ташқари, МДҲ мамлакатлари муфтийларининг эътирофларини оммавий ахборот воситалари орқали доимо кузатиб турибмиз.

**— Куни кеча Саудия Арабистонида ўтказилган Ислом олами уюшмасининг 44-қурултойида иштирок этиб, нутқ сўзладингиз. Ушбу нуфузли йиғилишда қандай масалалар муҳокама қилинди?**

— Ислом олами уюшмаси бош котиби, доктор Муҳаммад Абулкарим Ийсо таклифига биноан ушбу нуфузли тадбирда қатнашдик. Маккаи Мукаррама шаҳрида ўтказилган йиғилишда дунёнинг турли мамлакатларидан келган таниқли уламолар, машҳур муфтийлар, профессор-олимлар, етук экспертлар, давлат ва дин арбоблари ҳамда халқаро исломий ташкилотлар етакчилари иштирок этди.

Йиғилишда айрим мамлакатлардаги можаролар, турли минтақалардаги мусулмон озчиликка қарши зўравонликларга барҳам бериш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, дунё давлатларида тинчлик-осойишталикни таъминлаш, бузғунчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш ва халқларнинг осуда ҳаётига раҳна солувчи қора кучларнинг хатти-ҳаракатларига чек қўйишга чақирилди. Ислом қадриятлари ва анъаналарини сақлаб қолиш, уларни ёш авлодга сингдириш, фаровонликка эришиш учун халқлар ўртасидаги биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш зарурлиги қайд қилинди.

Дарҳақиқат, бугун ислом дунёси тобора ўсиб бораётган хавф ва жиддий таҳдидларга дуч келмоқда. Ёвуз кучлар, юқорида таъкидлаганимиздек, исломнинг суратини бузиб кўрсатиш, унинг покиза номини қора қилишга уринмоқда. Ёшларни алдаб, бузғунчи ғоялар ва ахлоқсиз маданиятга эргаштириш ҳаракатлари кўпаймоқда. Шубҳасиз, бу муаммоларнинг ечими — ислом дини қадриятларини тўғри татбиқ этиш, покиза суннатга эргашиш, динга кўр-кўрона ва мутаассибона ёндашишдан сақланишдир.

Йиғилишда сайёрамизнинг барча ҳудудида тинчлик ва хавфсизлик ўрнатилиши, мусулмонларнинг ўзаро бирдам ва иноқ бўлишлари йўлида қатъий ва собит туриш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Биз ҳам муҳокама этилган мавзулар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирдик. Ўзбекистонда диний соҳада олиб борилаётган ишлар, ёшларга қаратилаётган эътибор ҳақида сўзлаб бердик. Фикр ва мулоҳазаларимизни анжуман қатнашчилари жуда илиқлик билан қарши олди. Айтиш керакки, Ўзбекистон делегациясининг бу каби нуфузли анжуманларда қатнашиши мамлакатимизнинг жаҳондаги мавқеи тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# ВАТАНПАРВАРЛИК — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ



## «Жалолиддин Мангуберди авлодларимиз»

Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида талабалар ва ўқувчи-ёшлар ўртасида “Жалолиддин Мангуберди авлодларимиз” шиори остида спорт эстафетаси ташкил этилди.

Унда Чирчиқ давлат педагогика институти, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, Чирчиқ шаҳридаги умумтаълим мактаблари ёшлари ўзаро беллашди. Мусобақаларни Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, Ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вакиллари кузатиб борди.

Якуний натижаларга кўра, олий таълим муассасалари ўртасида Чирчиқ давлат педагогика институтининг “Алгоритм” жамоаси ғолиб бўлди. Мактаблар ўртасида эса 2-умумтаълим мактабининг “Темурбеклар” жамоаси 1-ўринни, 10-умумтаълим мактабининг “Шунқорлар”и 2-ўринни, 6-умумтаълим мактабининг “Лочинлар” жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Ғолиблар ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

# ЮРТИМИЗНИНГ МАРД ЎҒЛОНЛАРИ

## МАМЛАКАТИМИЗНИ ҲАР ҚАНДАЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚОДИР

*Айни кунларда юртимиз бўйлаб “14 январь — Ватан ҳимоячилари куни” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шундай паллада соҳада рўй берган ўзгаришлар ва эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиш ҳамда олдимизда турган вазифаларни белгилаб олиш айни муддаодир.*

Ўтган чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида мамлакатимизда мустаҳкам Қуролли Кучлар тизимини яратиш бўйича принципиал вазифалар амалга оширилди. Энг аввало, ҳарбий соҳа ислоҳотлари билан боғлиқ стратегик мақсадга эришишнинг муҳим ҳуқуқий асоси яратилди. Конституциямизнинг 52-моддасида Ватанни ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи экани алоҳида белгилаб қўйилди. Унда Қуролли Кучлар ҳуқуқий мақоми ҳам аниқ кўрсатилган.

Бош Қомусимиздаги ушбу прогрессив нормалар кейинчалик тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи қатор қонун ҳужжатларида ўз аксини топди. Шунингдек, ислоҳотларнинг янги даврида мамлакатимизнинг мудофаа ва хавфсизлик тизими билан боғлиқ ўта муҳим “Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги (янги таҳрирда), “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашдаги иштироки тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Хусусан, 2018 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги Қонун соҳада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янгиланган Мудофаа доктринасининг ошкора тарзда эълон қилиниши мудофаа сиёсатимиз очиқлигининг яққол тасдиғидир. Унда асосий эътибор мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, ташқи сиёсатимизнинг мослашувчанлик ва очиқлиги, энг асосийси, қўшни давлатлар билан дўстона ва амалий муносабатлар ривожланаётгани каби устувор омилларга қаратилган ҳолда, Ватанимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга оид долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Бугун мазкур доктрина асосида Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, уларни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар жисмоний ва интеллектуал тайёргарлигини ошириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилялти. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, полигонларда тизимли равишда ўқув-машғулотлари ўтказилаётир.

Мамлакатимизда 2018 — 2021 йилларда қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш, модернизация қилиш бўйича катта қадам ташланди. Айниқса, ҳарбий ҳаво кучларини ривожлантириш, ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини мустаҳкамлаш ва махсус операцияларни янги техника ва аслаҳалар асосида ўтказишга доир муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳарбий хизматчилар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масаласи ҳам доимий эътиборда. Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун республика олий таълим муассасаларига 5 фоизлик давлат гранти асосида қабул квотаси йўлга қўйилди. Бугун ҳарбий хизматчиларнинг 700 нафардан зиёд фарзандлари олий таълим муассасаларида шу имтиёздан фойдаланган ҳолда таҳсил олмоқдалар.



**Имтиёзли кредитлар асосида**
2017 йилда **56 та**,
2018 йилда **74 та**,
2019 йилда **116 та** кўп қаватли уй ҳарбий хизматчиларга берилди.
Шунингдек, **6 мингдан** зиёд ҳарбийлар оилаларининг яшаш шароити яхшиланди.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимидаги ислоҳотларнинг эндиги босқичида амалга оширилиши зарур бўлган қатор вазифалар борлигини ҳам айтиш жоиз. Минтақамиз ва бутун жаҳондаги бугунги бесаранжом, тез-тез ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазият, айниқса, Афғонистондаги мураккаб ҳолат ва у билан боғлиқ реал хавф-хатарлар кучайиб бораётгани миллий армиямиз ҳарбий тайёргарлиги ва мудофаа қобилиятини ошириш, юрт хавфсизлигини таъминлаш, давлатимиз чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш борасидаги чораларни янада кучайтиришни тақозо этади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, чегараларимизнинг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, юртимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг остонасига ҳеч қандай бало-қазони яқин келтирмаслик вазифалари ҳамиша диққатимиз марказида бўлади.

Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 20 ноябрдаги Фармонида кўзда тутилган чора-тадбирларни ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиш биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжат орқали мамлакатимиздаги барча турдош корхоналарни бирлаштирган Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ташкил қилиниши миллий мудофаа саноат комплексини шакллантириш йўлидаги биринчи ва муҳим қадам бўлди. Галдаги вазифа — мазкур комплексни изчил ривожлантиришдан иборат.

Ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш, бу борадаги таълим-тарбия ишларига барча фуқарони, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кенг жалб этиш, ёш авлод онгига ватанпарварлик ва мардлик туйғуларини сингдириш ҳам энг устувор вазифаларимиздан ҳисобланади.

Умуман, мазкур йўналишдаги чора-тадбирларнинг изчил рўёбга чиқарилиши Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, юртимиз аҳолисининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш, давлатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, армиямизнинг жанговар қудрати ҳамда салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.



**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

## Термиздаги фестивалда 5000 га яқин ёшлар қатнашди

*Термиз шаҳрида “14 январь — Ватан ҳимоячилари куни” арафасида ҳарбий-ватанпарварлик фестивали ўтказилди.*

Унда Термиз гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий хизматчилари саф қўшиқлари билан шаҳар кўчалари бўйлаб юришди.

Шундан сўнг ҳарбий қисмлар томонидан тайёрланган қўл жанги саҳна кўринишлари, ҳарбий ҳаваскор бахшилар чиқишлари ёшлар эътиборига ҳавола қилинди.

Навқирон авлод вакиллари ҳарбий қисмлардаги замонавий техника ва қурол-яроғлар билан яқиндан танишдилар.

Тадбир сўнгида ҳарбий техникаларнинг Термиз шаҳри бўйлаб паради уюштирилди. Фестивалда 5000 га яқин ёшлар қатнашди.

## Ҳарбий қисмга «Нексия-3» топширилди

*Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмларида ҳам Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 28 йиллиги олдидан қатор янги бинолар фойдаланишга топширилмоқда.*



Таъкидлаш жоизки, қўмондонлик бўлинмаларининг деярли барчасида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Ана шундай қувончли воқеаларнинг навбатдагиси Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиатош туманидаги ҳарбий қисмда янгидан бунёд қилинган аскарлар ошхонаси ва мудофаа вазирининг совғаси — “Нексия-3” автомашинасини тантанали топшириш маросими бўлди.

Тадбирда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Қуролли Кучлар фахрийлари иштирок этди.

Унда сўз олганлар шахсий таркибни байрам билан муборакбод этиб, уларга шарафли ва масъулиятли фаолиятларида улкан муваффақиятлар тиладилар. Фойдаланишга топширилган бино ва енгил автомашина ҳарбий хизматчиларни янада руҳлантириб, шижоатини оширишига ишонч билдирилди.

Байрам муносабати билан бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларга дастлабки ҳамда навбатдаги ҳарбий унвонларни топшириш маросими ҳам ўтказилди.

## Сайёҳларга — гуллар, ёшларга — тарғибот материаллари

*Марказий ҳарбий округга қарашли Самарқанд шаҳридаги сафарбарлик чақируви резерви батальони ҳарбий хизматчилари томонидан Регистон майдонида ўзгача тадбир ўтказилди.*



Гап шундаки, кўҳна ва навқирон кентдаги ушбу бетакрор майдонда хорижлик сайёҳлар ва ёшларга ватанпарварлик руҳидаги тарқатма материаллар ҳамда гуллар улашилди.

Миллий армиямиз ҳақидаги ўзгаришлар билан қизиққан йигитларга батафсил маълумотлар берилди.

Қолаверса, ҳарбийлар давлат транспорт воситаларида, аҳоли дам олиш масканларида ҳам тарғибот ва ташвиқот тадбирини давом эттиришди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

ЭЪЛОНЛАР


## ҚИЗИҚИШ БИЛДИРИШ УЧУН СЎРОВ (КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТЛАРИ — ФИРМАНИ ТАНЛАШ)

**«Институционал салоҳиятни ошириш» лойиҳаси.**

**Кредит рақами:** IDA.6431-UZ.

**Топшириқнинг номи:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида бизнес жараёнларини оптималлаштириш, қайта кўриб чиқиш ва автоматлаштириш учун мавжуд имкониятларни баҳолаш.

**Ҳавола рақами** (Харид режасига мувофиқ): NoUZ-MOF-151776-CS-QCBS.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда Молия вазирлиги) томонидан Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Институционал салоҳиятни ошириш» лойиҳаси доирасида консалтинг хизматларини амалга ошириш режалаштирилган.

Консалтинг хизматлари қизиқиш билдириш учун сўров (REOI) га илова қилинган техник топшириққа (TOR) мувофиқ, 6 ой давомида Молия вазирлигидаги мавжуд жараёнларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, такомиллаштириш учун мавжуд камчиликларни/имкониятларни аниқлаш ва Молия вазирлиги учун мақсадли операцион моделни (МОМ) ишлаб чиқиш, бошқарув режасини ўзгартириш ва таклифларни татбиқ этишни ўз ичига олади.

Ушбу техник топшириқнинг тўлиқ матнини www.mf.uz. манбаси орқали олиш мумкин.

Молия вазирлиги ушбу хизматларни кўрсатишга қизиқишни билдиришлари учун мос келувчи консалтинг фирмалар (консультантлар)ни таклиф қилади. Қизиқиш билдирган консультантлар хизматларни бажариш учун етарли малака ва тажрибага эга ҳамда қуйидаги талабларга мос келишлари лозим:

— давлат ва молиявий сектор соҳасидаги хизматларни такомиллаштириш, қайта кўриб чиқиш ҳамда бизнес жараёнларини автоматлаштириш бўйича тажрибага эга ва камида учта лойиҳани муваффақиятли амалга оширган бўлиши;
— консультантнинг сўнгги уч йил давомида хизматларни кўрсатиш бўйича йиллик айланма маблағи камида эквиваленти 5 млн. АҚШ долларини ташкил этиши (ҚҚСни ҳисобга олмаганда);
— тегишли халқаро сифат стандартларига эга бўлиши (ISO 9001 ва/ёки бошқалар);
— консультант жамоасидаги асосий мутахассисларнинг халқаро тажрибага эга бўлиши мақсадга мувофиқ, бироқ асосий мутахассислар қисқа рўйхатга киритиш босқичида баҳоланмайдилар.

Консультантлар Жаҳон банкининг харид қоидаларида кўрсатилган тартибда сифат ва нархга асосланган танлов (QCBS) усулига мувофиқ танланади.

Қизиқиш билдириш 2020 йилнинг 20 январигача ёзма равишда (шахсан, почта ёки электрон почта орқали) қуйидаги манзилга етказилиши керак.

Қўшимча маълумот иш кунлари давомида соат 9.00 дан 18.00 гача бўлган вақт оралиғида қуйидаги манзилдан олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи
Фозилжон Қаландаров, лойиҳа менежери

**Ўзбекистон, 100017, Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 29-уй.**
**Тел.: 90-738-00-50. Электрон почта манзили: piu_mof@mail.ru**

18J/

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 17.11да 1560 рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган «GROSS INSURANCE» (СТИР: 207135501) МЧЖга тегишли қуйидаги суғурта полис бланкалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинишини маълум қиламиз.**

| Серия | Номер |
|---|---|
| GSS | 147736;147738 ; 40069; 42379; 0042397 — 0042398; 0042404 — 0042405; 42415; 42419; 42445; 44047; 44051; 44055; 44068; 44072; 0044080 — 0044081; 44095; 46609; 46621; 46648; 0046661 — 0046662; 46696; 0047616 — 0047617; 47676; 47682; 58920; 59001; 97257; 110776. |
| UJ | 0029981; 0029989; 0001782 — 0001790; 17398. |
| PR | 523. |
| GIN | 0029707 — 0029708; 29712; 29716; 0029722 — 0029723; 29740; 46026; 46059; 46079; 54042; 0004024 — 0004025; 4027; 4032; 0004041 — 0004042; 0004044 — 0004045; 4074; 4077; 4105; 0004112 — 0004113; 0004117 — 0004118; 0004136 — 0004138; 4143; 4154; 4172; 4184; 4194; 4197; 0042251 — 0042252; 42261; 42264; 42297; 42299; 0042303 — 0042305; 42307; 0042309 — 0042310; 42312; 42315; 42318; 42325; 42328; 42332; 0042337 — 0042338; 42346; 42351; 42362; 0042366 — 0042367; 42369; 42371; 0042379 — 0042381; 42407. |
| GB | 0001139 — 0001140; 0006521 — 0006525. |

17J/12

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ БЎШ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

1. «Санъат назарияси ва тарихи» кафедраси доценти — 1 ўрин.
2. «Хореография» кафедраси катта ўқитувчиси — 1 ўрин.
3. «Хореография» кафедраси ўқитувчиси — 1 ўрин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ректор номига ариза.
2. Ходимнинг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
4. Паспорт нусхаси.
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда).
6. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

***Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.***
***Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй.***
***Телефонлар: 71-256-36-91, 71-256-24-36.***

19J/

